

**«O‘ZLITINEFTGAZ» AJ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.23/25.08.2021.Т.136.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**«O‘ZLITINEFTGAZ» AJ**

**ШАФИЕВ РУСТАМ УМАРОВИЧ**

**НЕФТЬ КОНЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАР**

**04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc)**

**Шафиев Рустам Умарович**

Нефть конлари технологияларини такомиллаштиришга доир  
методологик асослар ..... 3

**Шафиев Рустам Умарович**

Методологические основы совершенствования нефтепромысловых  
технологий ..... 29

**Shafiev Rustam Umarovich**

Methodological basis for improving oilfield technologies..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**«O‘ZLITINEFTGAZ» AJ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.23/25.08.2021.Т.136.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**«O‘ZLITINEFTGAZ» AJ**

**ШАФИЕВ РУСТАМ УМАРОВИЧ**

**НЕФТЬ КОНЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАР**

**04.00.13 – Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ҳамда ишлатиш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T339 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси «O‘ZLITINEFTGAZ» АЖда бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Назаров Улуғбек Султанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хўжаёров Бахтиёр Хўжаёрович**  
физика-математика фанлар доктори, профессор

**Эрматов Навруз Хушмурадович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Сулейманов Багир Алекпер-оглы**  
ОМФА корреспондент аъзоси, РТФА хорижий аъзоси  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси «O‘ZLITINEFTGAZ» АЖ ҳузуридаги DSc.23/25.08.2021.T.136.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил \_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100029, Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 2, тел.: +998712806700; факс +998712566648)

Диссертация билан «O‘ZLITINEFTGAZ» АЖнинг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_\_.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Х. Агзамов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Э.Э. Сайдахмедов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д.

**Н.Н. Махмудов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда геологик захиралар тузилишининг ёмонлашуви туфайли углеводород хом ашёсини қазиб олиш коэффициентини оширишга бўлган технологик ҳамда иқтисодий талаблар ортиб бормоқда. Бу ўринда, конларда нефтни тайёрлаш жараёнида бир вақтнинг ўзида қазиб олинган сув ва йўлдош газларни ажратишнинг янада самарали тизимларини яратиш ҳамда жорий қилишни кўзда тутувчи технологик ечимларни ишлаб чиқиш долзарб саналади. Шунга кўра, замонавий шароитларда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, нефть-газ операцияларининг техник-иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда нефтни тайёрлаш жараёнларида нефть йўқотишларини қисқартиришга эришиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда нефть ва газ ишлаб чиқарувчи компаниялар учун нефть конларида нефть қазиб олиш жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда нефть қазиб олиш харажатларини камайтиришга қаратилган техник-технологик ечимларни қидиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, нефть конларининг технологик жараёнларини такомиллаштириш учун кенг қамровли ёндашув усули ишлаб чиқилди, нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун янги авлод полимер реагентлар яратилди, газ-суюқлик оқимларининг гидравлик қаршилигини камайтириш технологияси яратилди. Таъкидлаш лозимки, углеводород хом ашёсининг қазиб олиниши турли мураккабликларга эга бўлиб, нефть конларида нефтни қазиб олиш, йиғиш, тайёрлаш, ташиш ва сақлаш объектларини жиҳозлашни лойиҳалашга ўзига хос ёндошувларни талаб этади. Айниқса, ўзгарувчан шароитларда эксплуатация қилинадиган қазиб олиш объектларининг ер усти қисмини жиҳозлаш бўйича илмий-технологик ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш мураккаб дисперс эмульсион тизимларни парчалаш учун самарали технологияларни жорий этиш ва иш самарадорлигини орттиришда муҳим саналади. Шунга кўра, физик-кимёвий таъсир усуллари орқали мураккаб дисперс системаларнинг реологик хоссалари ва технологик параметрларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш, қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга конларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун меъёрий-техник ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамизда нефть ва газ саноати ривожланиш, кўламини кенгайтириш ҳамда хом-ашёларини қайта ишлашга катта эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, республикада нефть ва газ конденсати қазиб чиқаришни жиддий равишда оширилди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш учун нефть ва газни технологик қайта ишлаш жараёнларини чуқурлаштирилди, нефть-газ соҳаси хом ашё базасини ишончли таъминлаш мақсадида янги конларни очиш ҳисобига биринчи навбатда суюқ углеводородлар захирасини кўпайтиришга эришилди. Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “... иқтисодийнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, нефтни тайёрлаш ускунасининг ишончилиги ва самарадорлигини таъминлайдиган, янги энергия тежовчи тизимлар яратиш ҳамда уларни жорий этиш методологиясини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон “Иқтисодий ва аҳолини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ саноати бошқарув тизимини молиявий соғломлаштириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VIII. “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Конларда нефтни қайта ишлаш учун самарали тизимларни ишлаб чиқишга, нефт конлари технологияларини ишлатиш давомида мураккаб дисперс тизимларни парчалашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Colorado School of Mines (АҚШ), Берлин техник университети (Германия), Clariant AG (Швейцария), TOHO Chemical Industry Co., Ltd. (Япония), Dow Chemical (АҚШ), China University Geosciences Wuhan (Хитой), SOCAR NIPI (Озарбайжон), Total Research and Technology Gonfreville (TRTG) (Франция), KBC Advanced Technologies Ltd (Буюк Британия), Petro-Canada Lubricants (Канада), ООО «Институт проблем транспорта энергоресурсов» ва И.М. Губкин номли Россия Давлат нефть ва газ университети (Россия Федерацияси) да амалга оширилади.

Мураккаб дисперс эмульсион тизимларни парчалаш учун самарали технологияларни ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: нефтни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.mines.edu/>, <https://www.tu.berlin/>, <https://www.clariant.com/>, <https://toho-chem.lookchem.com/>, <https://www.dow.com/>, <https://en.cug.edu.cn/>, <https://niping.az/ru/index.html>, <https://totalenergies.com/>, <https://www.kbc.global/>, <http://www.iptcr.ru/>, <https://www.gubkin.ru/>

сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун полимер реагентлар яратилди (Берлин техника университети, Германия; Clariant AG, Швейцария; Toho Chemical Industry Co. Ltd, Япония; Dow Chemical, АҚШ), нефт конларининг технологик жараёнларини такомиллаштириш учун кенг қамровли ёндашув усули ишлаб чиқилди (SOCAR NIPИ, Озарбайжон), газ-суюқлик оқимларининг гидравлик қаршилигини камайтириш технологияси ишлаб чиқди (“Энергетика ресурсларини ташиш муаммолари институти” МЧЖ, Россия Федерацияси).

Дунёда конлардаги нефтни тайёрлашнинг самарали тизимларини ишлаб чиқишни ривожлантириш, нефть кони соҳаси технологияларини ишлатишда мураккаб дисперсли тизимларни бузиш учун бир қатор устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан: нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантиришни энергия ва ресурсларнинг тежамкор технологияларини яратиш; омборларда сақлаб қолинган нефтни бузиш методлари ва қурилмаларини яратиш; сув ва мойда эрувчан деэмульгаторлар ва нефть конлари учун сирт-фаол реагентларини синтезлаш бўйича ишлар.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-технологик адабиётларда қазиб олинмиши қийин бўлган захираларга эга конларни ишлатиш пайтида нефтни қайта ишлаш самарадорлигини ошириш муаммосининг ҳолатини ўрганишга бағишланган материаллар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Бир вақтнинг ўзида ер ости (конни ишлаб чиқиш) ва ер усти (конни жиҳозлаш) компонентларини лойиҳалашда, захираларни тиклаш учун комплекс ёндашув натижаларини ҳисобга олиш имконини берадиган нефть конлари технологиясини такомиллаштириш бўйича аниқ услубий ёндашувлар мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунинг учун қазиб олинмиши қийин бўлган захиралардан олинадиган мураккаб дисперс тизимлар хоссаларининг таъсирини ўрганиш нефтни тайёрлаш жараёнининг асосий вазифаларидан биридир.

Дунёда кўплаб тадқиқотлар нефть ишлаб чиқариш, йиғиш, тайёрлаш, ташиш ва сақлаш муаммоларига бағишланган М.Маскет, В.Клейтон, К.С.Басниев, А.Х.Мирзажанзаде, В.А.Юфин, К.В.Мукук, С.Патель, Э.Петитджан, С.Деруин, К.Э.Смит, И.С.Гутман, А.Адамсон, П.А.Ребиндер, А.Ф.Добрянский, А.Б.Таубман, В.П.Тронов, Г.Н.Позднышев, А.А.Петров, Н.Левченко, Н.С.Маринин, Л.М.Сургучев, Ф.М.Хуторянский, В.М.Виноградов, М.Ю. Тарасов ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари амалга оширилган.

Бугунги кунда мураккаб таркибий ва механик хоссаларга эга бўлмаган эмульсияларни сувсизлантириш учун мўлжалланган нефтгаз технологиялари қўлланилади. Шу билан бирга, қазиб олинмиши қийин бўлган захираларга эга конларни ишлаб чиқиш шароитида катта энергия сарфлари юзага келади ва бу нефтни тайёрлаш самарадорлигига таъсир қилади. Шунинг учун нефтни тайёрлаш ускунасининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлайдиган, янги энергия тежовчи тизимлар ва уларни жорий этиш методологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Шу билан бирга нефтни тайёрлаш ускунаси ишининг технологик параметрларини оптималлаштиришда сувсизлантирилган ва тузсизлантирилган нефть олиш услубларини ишлаб чиқиш муаммосини ҳал этиш муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши «O'ZLITINEFTGAZ» АЖнинг қидаги илмий-тадқиқот ва амалий ишлари доирасида бажарилган: “Ўзбекнефть” ишлаб чиқариш бирлашмасининг барча нефть тайёрлаш ускуналарида нефть тайёрлаш ускуналари самарадорлигини таҳлил қилиш ва янгиланган технологик схемалар ва низомларни ишлаб чиқиш, нефтни тайёрлаш технологияларини жорий этиш бўйича муаллифлик назорати” (1991й.); 19.09/14.14 “Ўзбекистон нефть ва нефть-газ конларини инвестиция ва инновацион технологияларни жалб қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш” (2014 й.); ПК 15.08/03.04 “Йилига 10, 50, 100, 250, 750, 1000 минг тонна нефтни тайёрлаш қувватига эга бўлган ускуналар учун технологик регламентлар тўпламини ишлаб чиқиш” (2004й.); ПД 19.10/14.14 “Ляльмикор конида базавий нефтни казиб чиқариш хажмларини аниқлаш тартиби” (2014й.) ва бошқалар.

**Тадқиқотнинг мақсади** қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга конларда мураккаб нефть-сув эмульсияларининг самарали парчаланишини таъминлаш учун нефтни тайёрлаш тизимларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга конларда нефть қазиб олиш вақтида мураккаб кўп таркибли эмульсияларни яратилишининг илмий асосларини аниқлаш;

физик-кимёвий таъсир усуллари орқали мураккаб дисперс системаларни сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнларида реологик хоссалари ва технологик параметрларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга конларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун меъёрий-техник ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

нефтьгаз технологияси учун мураккаб кўп таркибли эмульсияларни самарали ажратишни таъминловчи усул ва қурилмаларни ишлаб чиқиш;

янги объектларни лойиҳалаштириш ва мавжуд қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга бўлган нефть конларини модернизация қилиш технологияларини такомиллаштириш бўйича услубий асосларни яратиш.

**Тадқиқот объекти.** Қазиб олиниши қийин бўлган захирали конлардан нефть қазиб олиш ва тайёрлаш вақтида ҳосил бўлувчи мураккаб кўп таркибли дисперс тизимлар.

**Тадқиқотнинг предмети.** Қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга конларда нефтни юқори сифатли тайёрлашни таъминлайдиган нефть кони технологик жараёнлари.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида лаборатория тадқиқотлари, маълумотларни математик қайта ишлаш ва тизимли таҳлил усуллари



қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жиҳозланаётган объект учун нефть конларининг тури бўйича идеаллаштирилган аналоглар сифатидаги технологик схемалар ишлаб чиқилган;

мураккаб кўп таркибли дисперс системаларни тадқиқ этиш учун базис жараёнлар ягона танлови услуби асослаб берилган;

нефть ва унинг дисперс тизимлари реологик хусусиятларининг ўзгариш қонуниятлари очиб берилган ҳамда нефть ва нефть-сув эмульсияларининг таркибий-механик хусусиятларини яхшилайдиган услублар ишлаб чиқилган;

эмульсияланган сув томчилари атрофидаги зирх қобикларини мустаҳкамлашда қазиб олиниши қийин бўлган захиралардан нефть ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва ошириш усулларининг таъсири аниқланган ҳамда нефтни термохимёвий сувсизлантириш ва тузсизлантиришни амалга оширишни мураккаблаштирувчи қонуниятлар очиб берилган;

нефть қазиб олиниши осон кечадиган ва қазиб олиниши қийин бўлган захиралардан нефть қазиб олиш жараёнида ҳосил бўладиган мураккаб кўп таркибли дисперс системалар ўсишининг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

нефть конларини қазиб олиниши қийин бўлган захиралари рўйхатига киритиш учун мезонлар ишлаб чиқилган;

ер усти ва ости тизимларини паралелл лойиҳалаштирган ҳолда лойиҳалаш ишларига тадбиқ этиш учун нефть конлари технологияларини такомиллаштиришнинг услубий асослари яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нефтни тайёрлаш ускунасида кейинчалик самарали парчалаш учун белгиланган йўналишдаги мураккаб кўп таркибли эмульсияларнинг таркибий ва механик хусусиятларини назорат қилиш учун асосий жараёнларга таъсир қилиш қурилмалари ва усуллари ишлаб чиқилди;

нефтни тайёрлаш ускунасига юборишдан олдин нефтни сувсизлантириш аппаратларининг оралиқ эмульсияли қатламлари маҳсулотларини ва мураккаб кўп таркибли дисперс системаларини қўшимча қайта ишлаш тартиби асослаб берилди;

нефть-сув эмульсиясининг термохимёвий тиндириш жараёнини бошқариш усули ва уни амалга ошириш учун технологик резервуар ишлаб чиқилди;

нефть кон технологиясини такомиллаштириш методикаси таклиф этилди; қазиб олиш мураккаб турлига хил геологик захира конларига нефть йиғиш, тайёрлаш, ташиш ва сақлашнинг оптимал тизимлари яратилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга конларни самарали ишлашини таъминлаш учун меъёрий-техник ва услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги, конларда нефть қазиб олиш вақтида мураккаб кўп таркибли эмульсияларни ажратиш олиш ва сифатли тайёрлашда, энергия ресурсларини тежовчи методикалар билан асосланганлиги ва янги

объектларни лойиҳалаштириш ҳамда мавжуд қазиб олинishi қийин бўлган заҳираларга эга бўлган нефть конларини модернизация қилиш технологияларини такомиллаштириш бўйича услубий асослар, патентлар, ихтироларнинг конларда қўлланилиши билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефть тайёрлаш ускунанинг мураккаб кўп таркибли эмульсиялар ва оралиқ эмульсия қатламларини биргаликда қайта ишлаш учун тизимли аппаратидан фойдаланган ҳолда, нефть-сув эмульсиясини қатлам ажратилиши жараёнларини назорат қилиш билан бирга, термохимёвий сувсизлантириш ва тузсизлантириш вақтида илмий ва технологик ечимлардан фойдаланиб самарадорлиги оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефтни қайта ишлаш ускунасига етказиб беришдан олдин мураккаб кўп таркибли эмульсияларнинг тизимли ва механик хусусиятларини тартибга солувчи самарали ускуналар ва технологик ечимлар ишлаб чиқилганлиги, улар нефть конларининг технологиясини лойиҳалаштириш ва такомиллаштириш имконини бериши ва нефтни қайта ишлашда юқори сифатли товар нефтни ишлаб чиқаришни таъминлашдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нефть қазиб олиш технологияларини такомиллаштиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқишда олинган илмий натижалар асосида:

нефть ва газ конденсати конларини ишлатиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (21.10.2010, № IAP 04106). Натижада, нефть қатламларига сув-газ таъсирини кўрсатиш ва нефтни қазиб олиш жараёнини жадаллаштириш имконини берган;

нефть сифати талаблари бўйича «Нефтни қайта ишлаш заводларига етказиб бериладиган нефть» давлат стандарти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (O'zDSt 3032:2015). Натижада нефтни қайта ишлаш заводларига жўнатишдан олдин конларда юқори сифатли нефть тайёрлашни таъминлаш имконини берган;

нефть конлари технологияларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий-услубий ҳужжатлар (РН 39.0-041:2006, РН 39.2-05:2012, NGH 39.0-033:2013, РН 39.2-044:2007, РН 39.0-110:2012) нефть конларини лойиҳалаш ҳамда ўзлаштириш амалиётига жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2021 йилнинг 22 сентябридаги 05/29-4-217-сон маълумотномаси). Натижада конларни оптимал даражада ўзлаштириш ва қазиб олинаётган нефть таннархини пасайтиришни таъминлаш имконини берган;

Ўзбекистон конларидаги нефтни тайёрлаш ускуналарида сувсизлантириш ва тузсизлантириш режими регламентлари жорий қилинди («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2021 йилнинг 22 сентябридаги 05/29-4-217-сон маълумотномаси). Натижада нефтни «Нефтни қайта ишлаш заводларига етказиб бериладиган нефть» стандарти талабларига мувофиқлигини

таъминлаш имконини берган;

нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, чиқариш ва ҳисоблаш бўйича ишлаб чиқилган йўриқнома амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг 2007 йил 16 апрелдаги 01/07-266-сон маълумотномаси; “Ўзбекнефтегаз” МХКнинг 2007 йил 18 апрелдаги 87-сон қўшма қарорлари). Натижада нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотлари табиий йўқотишларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларнинг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 9 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий натижалари 38 та илмий ишларда нашр қилинган, улардан 6 та ихтиро учун патент, 29 та илмий мақола, шу жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертациялари натижаларини нашр қилиш учун тавсия этилган нашрларда. "Конларда нефть, газ ва сувни йиғиш ва тайёрлаш технологияси" номли дарслик нашр қилинди, дастурий маҳсулот учун 2 та гувоҳнома олинди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалар иборат. Диссертация ҳажми 198 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари белгилаб олинган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ҳақидаги маълумот ва диссертациянинг тузилиши очиб берилган.

Диссертациянинг **“Нефть қазиб олиш, йиғиш ва тайёрлашда ишлатиладиган технологиялар”** деб номланган биринчи бобида нефть конларини ишлаб чиқиш ва ишлатишнинг ҳақиқий ҳолати, нефть конларини ташкил этишни лойиҳалаш ҳолати таҳлил қилинган ва геологик захираларнинг қазиб олинishi мураккаблиги турлича бўлган конларда нефтни йиғиш, тайёрлаш, ташиш ва сақлаш учун янги тизимларни яратишда илмий ва технологик ишларни такомиллаштириш зарурияти асослаб берилган.

Ишлаб чиқиш усулларига кўра, углеводород хом ашёсининг қазиб олинishi бўйича турли мураккабликдаги нефть конларида нефтни қазиб олиш, йиғиш, тайёрлаш, ташиш ва сақлаш объектларини жиҳозлашни лойиҳалашнинг ўзига хос томонлари таҳлил қилинди, бу эса ўзгарувчан

шароитларда эксплуатация қилинадиган қазиб олиш объектларининг ер ости қисмини жиҳозлаш бўйича илмий-технологик ва лойиҳа ечимларини бериш ишлари орқада қолаётганлигини аниқлашга имкон берди. Натижада қатлам энергиясининг самарасиз сарфланиб исроф бўлади, нефть ва йўлдош газ ва қатлам сувининг паст даражада утилизацияланиши билан табиий муҳитга ортиқча таъсир кўрсатилади. Бундай орқада қолишликни бартараф қилиш учун ер усти ва ер ости қазиб чиқариш объектларини бир вақтда лойиҳалаб, қурилиш бўйича комплекс хужжатларни тақдим қилиш схемаси тақлиф қилинди.

Нефть конлари конструкциялари бўйича дастлабки маълумотларда нефтни тайёрлаш, йиғиш, қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш учун мақбул тизимларни танлашни кўп вариантли таққослашда аналог сифатида ишлатишнинг илмий асосланган схемалари йўқ экани аниқланди. Нефть қазиб олиш технологиясининг ер ости ва ер усти иншоотларини тартибга солиб уйғунлаштириш учун аналоглар сифатида қулай иш шароитлари (идеаллаштирилган объектлар) бўлган бир қатор конларни тартибга солиш учун ишлаб чиқилган схемалари тақлиф этилди. Қуйидаги турдаги нефть конларини жиҳозлаш учун объектлар ва принципиал схемалар ишлаб чиқилди: юқори ёпишқоқ нефтнинг кенг газ дўппили газ-нефть конлари; кичик газ дўппили нефть-газ конлари; қалин нефть захира қатламлари; газ конларининг юпқа нефть қатламлари (қазиб олиниши қийин бўлган захирага эга); кам қувватли қатлам тизимлари; паст қувватли қатлам тизимларига эга юқори ёпишқоқ нефть-газ конлари.

Юқорида қайд қилинган кон турлари бўйича технологик тизимлар нефтни тайёрлаш ускуналарига етказиб бериладиган хом-ашё таркибида, шунингдек нефть қазиб олиш жараёнида юқори газ омили шароитида мураккаб кўп таркибли эмульсиялар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилди.

Қазиб олиниши қийин бўлган захираларга эга конларни эксплуатациясига ўтишда тиндириш аппаратларида мураккаб кўп таркибли дисперс тизимлари ва оралик эмульсия қатламларининг ўсиши юз беради, бу нефтни тайёрлаш ускунасининг ишида узилишларнинг олдини олиш чораларини кўришни талаб қилади. Нефть соҳаси технологияларини алоҳида жараёнларга жаратиш орқали мураккаб дисперс тизимларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши юз берадиган локал жараёнлар аниқланади. Қатлам флюидларининг PVT ҳолатлари ўзгариши билан барқарор аралашмалар ҳосил қилиш билан ишлаб чиқариш вақтида қатлам флюидларининг агрегат ҳолатлари ўзгариши “қатлам-қудук-нефтни йиғиш ва тозалаш тизими” занжири бўйлаб “метатаҳлил” амалга оширилди. Хусусан, кўриб чиқиладиган объектдаги ҳар бир алоҳида жараённинг мураккаб дисперс системаларининг ҳосил бўлиш механизмига кўшадиган хиссаси ўрганилиб чиқилди ва мураккаб сув-нефть эмульсияларининг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатувчи жараёнлар танламаси тузилди (тартибланди), кейинги тадқиқотлар учун таянч жараёнлар сифатида белгилаб олинди. Таянч (базис) жараён кўриб чиқиладиган нефть соҳаси технологияси объектида мураккаб-кўп таркибли

дисперс системаларнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи флюид (нефть, газ, сув ва уларнинг аралашмаси) физик хоссаларининг ўзгаришига олиб келувчи “ҳодиса бирлиги” сифатида белгиланди. Бу конларнинг ер усти жиҳозланишининг кўрсатилган гидродинамик тизимида турли мустаҳкамликдаги эмульсияларнинг ҳосил бўлиш термобарик шароитларини аниқлашга имкон берди.

Нефть қазиб олишни анъанавий ва қазиб олиниши қийин бўлган захирага эга конларни махсулдорлигини ошириш усуллари кенг қўлланилган углеводород компонентларининг турли физик-кимёвий хоссалари ва турли таркибли нефть конларини эксплуатация қилиш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ўрганилди. Конни ривожлантиришда қўлланиладиган технологияларнинг (сув ва қуриган газни насос билан резервуар босимини сақлаган ҳолда; резервуарни ишчи моддалар билан бир неча марта ювиш; қудуқлардан мажбурий суюқлик олиш; нефть ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш учун ҳосил бўлган остки-тешик зонасини қайта ишлашнинг турли усуллари) ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўлган эмульсиянинг физик-кимёвий таркибига таъсири ўрганилди. Бу эса диссертация мавзуси бўйича кейинги илмий изланишлар учун нефть ва унинг эмульсиялари таркиби ва хоссалари бўйича билимлар базасини тузиш имконини берди.

Тадқиқот мақсади нефть қазиб чиқаришда энергия ва ресурс самарадорлиги мезонларига кўра нефть технологиясини яратиш талабларини қондириш учун қудуқларнинг кўп миқдорда сув намоён бўлиши ва ишлаб чиқариш жараёнларида юқори газ омилининг намоён бўлиши жараёнларида нефть йўқотишларини камайтириш учун техник ва технологик тизимларни такомиллаштиришга қаратилган. Шу билан бирга, нефть қазиб олиш технологияси жараёнлари кон ривожланишининг икки шароитида фаолият кўрсатишининг "метатахлил" методологик асосларидан фойдаланган ҳолда тизимлаштирилди: 80% дан кам сув таркибига эга нефть ишлаб чиқариш; 90% дан ортиқ сув таркибига эга нефть ишлаб чиқариш. Тадқиқотлар натижасида конларни ишлатиш давомида технологик, иқтисодий ва экологик хавфларни камайтириш йўналишлари аниқланди.

Технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, нефть ишлаб чиқариш объектларининг ишлаш ҳолати билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси хом ашё базасига киритилган деярли барча соҳаларда мавжуд технологик тизимларни модернизация қилиш тамойилларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг иккинчи бобида **"Мураккаб-кўп таркибли эмульсиялар хоссаларини ўрганиш натижалари"** нефть-сув аралашмаларининг реологик тадқиқотлар мажмуаси, термокимёвий сувсизлантириш ва мураккаб-кўп таркибли эмульсион системаларнинг тузсизлантирилиши, электр энергияси ва кимёвий реагентлар сарфини минималлаштириш вазифаси билан боғлиқ тизимда турли хоссали мойларнинг O'zDSt 3032:2015 "Қайта тайёрлаш заводларига етказиб

бериладиган нефть" давлат стандарти талабларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар комплексини илмий асослаш учун амалга оширилди.

Сувсиз нефть ва унинг сув-нефть таркибли эмульсиясининг ёпишқоқлиги ўзгаришининг ҳароратга боғлиқлиги, қотиш ҳароратини аниқлаш ва ноньютон хусусиятларнинг намоён бўла бошлаши, енгил фракциялар йўқотилиши, эритгичларнинг қўшилиши, оғир компонентли асфальтен-қатрон-парафинлар билан тўйинтирилиши ҳамда нефть ҳамда унинг дисперсияли тизимларининг таркибий-механик хусусиятларини яхшилаш усуллари аниқлаш мақсадида реологик тадқиқотлар амалга оширилди.

Нефть таркибига сувни аралаштириш сув таркибига кўра ёпишқоқлиги ортиб боровчи барқарор эмульсияларнинг ҳосил бўлишига олиб келиши аниқланди. Маҳсулотнинг, ҳатто ўртача ёпишқоқликка эга бўлган нефтнинг сув таркиби ортиши сув-эмульсия тизимининг ёпишқоқлигини нефтьга нисбатан 6 баравардан кўп орттириши мумкин. Бу таркиби дисперс муҳитда (нефтли) ҳажми ва ўлчамлари бўйича дисперс сув глобуллари бир текис тақсимланган ҳолда қатлам суви мавжуд нефтнинг ҳосил бўлган дисперс тизимининг юқори барқарорликка эгаллигига ишорадир.

Нефть намуналарини қатлам суви ва нефть газини ҳамда газ конденсати ва асфальтен-қатрон-парафин моддалари билан маҳсус ишлаб чиқилган лаборатория стендларида ўтказилган тўйинтириш билан боғлиқ тадқиқот натижалари ёпишқоқлик хусусиятларининг ўзгаришини исботлади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Қатлам флюиди компонентлари билан тўйинтиришда нефтнинг динамик ёпишқоқлиги ўзгариши бўйича лаборатория тадқиқотлари натижалари (20°C)

Ўрганилган нефть намунаси	Динамик ёпишқоқлик, мПа·с	Динамик ёпишқоқликнинг ортиши (+) ёки камайиши (-), %
Нефть (Н)	15,6	0
Н + 10 % қатлам суви	19,1	+ 22,44
Н + 50 % қатлам суви	113,7	+ 628,85
Н + 15 % конденсат	6,1	- 60,90
Н + йўлдош газ 90 м <sup>3</sup> /м <sup>3</sup>	3,7*	- 76,28
Н + 0,5 % парафин	31,6	+ 102,56
Н + 0,5 % қатрон	32,0	+ 105,13
Н + 5,0 % асфальтен-қатрон-парафинли моддалар	58,0	+ 271,79

Сув-нефть эмульсияларини ажратиш билан боғлиқ жараёнлар

қоришмалар ҳолати ҳарорат билан боғлиқлигини инобатга олган ҳолда эмульсион тизимларнинг ажралишини таъминловчи ҳарорат режимларини танлаб олиш учун турли тақибдаги парафинли нефтга иссиқлик билан ишлов бериш (ИБИБ) бўйича тажриба-синов ишлари амалга ўтказилди (2-жадвал). Дастлаб нефтни 90°C гача иситиш ва шу ҳароратда иссиқлик билан ишлов беришни 1 соат давомида ушлаб туриш, кейинги совутиш тезлигини соатига 60 дан 10°C бўлишини таъминлаш 31 кун давомида парафиннинг кристалли тузилишини аморф ҳолатда сақлаб қолишга имкон беради.

Нефть таркибида парафин мавжудлигига кўра нефтнинг қотиш ҳарорати ўрганилди. Олинган маълумотлар таҳлили нефт қўшимча 3% парафин билан тўйинганида дастлабки парафин ҳажми 4,5% бўлган. нефтнинг қотиш ҳарорати 4°C дан 17°C гача кўтарилишини кўрсатди (3-жадвал). Мазкур тартиб парафинларнинг кристалли тузилишдан аморф ҳолатга ўтишини асослайди ва бу нефть қотиши бошланадиган ҳароратни кескин пасайтириб, уни тортиб олишга таъсир қилувчи механик-таркибий хусусиятларни яхшилайти.

### 2-жадвал

#### 20°C да иссиқлик билан ишлов беришдан олдинги (ИБИБ) ва кейинги нефтнинг реологик хоссалари

Номи	Динамик уринма кучланиш, Па	Динамик ёпишқоқлик, мПа·с
Дастлабки нефт	48,0	125,5
ИБИБ + 4 кун	4,0	55,3
ИБИБ + 31 кун	16,0	88,3
ИБИБ + 4 кун + совутиш (15°C гача) ва 2 соат ушлаб туриш	6,5	54,4
ИБИБ + 31 кун + совутиш (15°C гача) ва 8 кун ушлаб туриш	19,0	96,9

### 3-жадвал

#### Нефть таркибидаги парафиннинг ортишига боғлиқ қотиш ҳароратининг ўзгариши


Номи	Қўшимча парафин, %	Нефть ҳарорати, °C		
		Совиш	Ўзгаришни бошланиши	Қотиш
Таркибида 4,5% парафин бўлган дастлабки нефть,	0	3	5	4
	0,5	3	7	6
	1,5	5	12	11
	3,0	10	18	17

Қийин қазиб олинувчи захирага эга конлардан мураккаб-кўп таркибли

эмульсияни қазиб олишда ўтказувчанлик имкониятларининг пасайиши ёки қудук ва қувур ўтказгич тизимининг тўлиқ тўхташига олиб келувчи гидравлик қаршилиқнинг ортишини олдини олиш зарурати аниқланди. Бундай вазиятларда агрегат ҳолатнинг ўзгариши ва қисман деэмульсация ҳисобига ҳосил бўлувчи кам ёпишқоқ девор олди қатлаидан фойдаланиш масалани ҳал қилади.

Термо-кимёвий сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёнининг мақбуллаштирилишини таъминлаш учун мураккаб-кўп таркибли эмульсион тизимлар хоссаларини аниқлаш бўйича изланишлар ўтказилди. Сув глобуллари ўлчами одатдаги усулда қазиб олишда 200 мкм дан ортиқни ташкил қилса, эмульсияни дисперсион таҳлил натижалари қийин қазиб олинувчи нефтни қазиб олишга ўтиш билан, бу кўрсаткич ўртача 50 мкм дан пастга томон қисқаришини кўрсатди.

Нефтининг ўртачалаштирилган кўрсаткичлари учун мўлжалланган Стокс формуласи бўйича сув-нефть таркибли эмульсиясининг сувдаги глобуллар ўлчамига боғлиқ ажралиш тезлиги ҳисоблаб чиқилди. Глобуллар ўлчами 50 мкм бўлган эмульсияланган сувнинг тиндириш ҳамда нефть ва 1 метрли қатлам сувига табақаланиши учун бир суткадан кўп вақт талаб қилинса, боғлиқликлар бўйича олинган натижаларга мувофиқ, 200 мкм глобуллар билан бу жараён кўпи билан 1 соат ичида юз беради (1-расм).



**1-расм. Сигимдаги термо-кимёвий сувсизлантиришда сув-нефть эмульсияси табақаланишининг сувдаги глобуллар ўлчамига боғлиқлиги**

Асфалтен-қатрон-парафинли моддаларнинг қувур ва аппарат деворларида ҳосил бўлган қатламлардан қайтиб нефть таркибига ўтиши механизми қуйидаги вариантларга мувофиқ юз бериши мумкин: объектларда



ҳароратнинг ошиши оқимга нефт қўшилиши билан чўкинди қатламларнинг қисқаришига олиб келади ва бунинг натижасида нефть қўшимча равишда асфалтен-қатрон-парафинлар билан тўйинади; газ-суёқлик оқимининг гидродинамик хусусиятларининг кескин ўзгариши (оқим тезлиги босим пульсацияси ошиши,) қувурнинг айрим қисмларида асфалтен-қатронли-парафинли қатламлар ажралиши ва нефть таркибига қўшилиши билан бирга кечади. Дастлабки нефть таркибида асфалтен-қатронли-парафинли углеродлар микдорининг ортиши сабабли эмульсия ҳарорати 65°C га тенг бўлишлиги, деэмульсация вақтини узайтириш ва деэмульгаторнинг солиштирма сарф-ҳаражати ортишини талаб қилади.

Механик аралашмалар ҳажмининг ўсиши, қудуқларни капитал таъмирлаш ва умумий нефть ишлаб чиқарилишидан келадиган ишчи агентларнинг нордон компонентлари мавжудлиги, сув-нефть эмульсиясини термо-кимёвий усулда тўлиқ парчаланиши учун зарурий шароитларга салбий таъсир кўрсатади. Бу механик аралашмалар фазаларининг бўлиниш чегараларида максимал жамланган, ишқор билан ўзаро таъсирга киришган сув томчилари қобиғини мустаҳкамланиши билан боғлиқ.

Сув томчиларининг юқори барқарор ҳимоя қобиғини бузиш учун, гидроингичка оқим усули деэмульсациялаш ва тўлқинли таъсир кўрсатишдан фойдаланиб, уларга гидродинамик таъсир қилиш усуллари ўрганиб чиқилди (4, 5-жадваллар).

#### 4-жадвал

#### Сув-нефть эмульсиясининг мустаҳкам қобиғини гидроингичка оқим усулида деэмульсациялаб бузиш бўйича тадқиқот натижалари

Номи	Рагент сарф-ҳаражати, г/т	Деэмульсация ҳарорати, °С	Деэмульгатор ингичка оқимининг тезлиги, м/с	Қолдиқ сув микдори, %
Термо-кимёвий деэмульсация	80	60	-	0,0
	65	45	-	4,0
Гидро-томчили деэмульсация	65	45	0,2	3,8
	65	45	0,5	1,0
	65	45	1,3	0,5
	65	45	2,7	0,0
	65	45	4,5	0,0

Тажриба натижаси гидроингичка оқим усулида ишлов бериш билан сув глобуллари атрофидаги ҳимоя қобиғига эмульсияга ишлов бериш ҳароратининг 60°C дан 45°C гача пасайиши ҳамда деэмульгатор сарф-ҳаражатини 80 г/т дан 65 г/т гача қисқаришини таъминловчи, ингичка оқим тезлиги 0,5 м/с дан 3 м/с гача деэмульгаторнинг сув аралашмасидан билан

таъсир кўрсатишнинг самарадорлигини кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари эмульсияланган сув глобуллари атрофидаги ҳимоя қобиғига босим тўлқинларидан фойдаланиш, томчиларнинг зичланиши ва мустаҳкам ҳимоя қатламларининг ёрилиши билан боғлиқ уларнинг деформацияланиши эффеқтини ҳосил қилади. Томчиларнинг орасида ҳосил бўлган босим кучи фазалараро қатламнинг деформацияланишига олиб келади ва бу уларнинг зичлашиши ҳамда сув томчиларининг қобиғларини ёрилишига ва каттароқ томчига бирлашишига олиб келади.

### 5-жадвал

#### Термо-кимёвий сувсизлантиришда барқарор сув-нефть эмульсиясига босим тўлқинлари билан таъсир кўрсатиш натижалари


Кўрсаткичлар	Термо-кимёвий чўқиш	Зарбли тўлқинлар билан таъсир кўрсатишдан кейин эмульсиянинг бузилиши
Эмульсиянинг бузилиш ҳарорати, °С	65	45
Эмульсиядаги сув миқдори, %	20	20
Деэмульгаторларнинг солиштирма сарф-харажати, г/т	150	150
Тиниш вақти, соат	4	2
Зарба тўлқини интенсивлигида қолдиқ сув ҳажми % да (МПа)		
0,0	8,3	
0,8		0,90
1,0		0,56
1,3		0,50
1,5		0,42
2,0		2,10

Назарий жиҳатдан ювиш учун мўлжалланган чучук сув миқдори тайёрланаётган нефть ҳажмидан 2-3 % дан ошмаслиги кераклиги ўз исботини топди. Бироқ алоқа юзасининг қийматлари паст бўлганида, иккиламчи эмульсификациялаш таъсирида чучук сув билан ювиш ҳажмини 7-10% гача ошириш зарурлигини кўрсатди.

2-расмда тайёрланган нефтдаги қолдиқ хлорли тузларнинг кутилган назарий натижалардан оғиши кўрсатилган, бунда: 1 - эгри чизиқ термо-кимёвий сувсизлантиришдан кейин нефтдаги қолдиқ қатлам сувидан кутилган нефтдаги хлорли тузларнинг қиймати; 2 - эгри чизиқ термо-кимёвий сувсизлантиришдан кейинги нефтдаги хлорли тузларнинг ҳақиқий қийматлари. Бундай номуносивбликнинг сабаби қандайдир кристаллаштириш марказлари ёки ҳосилалар пайдо бўлиши ва уларнинг атрофида кластерлар юзага келиши билан тушунтирилади. Эмульсия

табақаланишида кечувчи иссиқлик-масса алмашиш жараёнларининг тезкор кечиши натижасида кластерлар бирмунча ёпишқоқроқ фазалараро нефть қатламларига илиниб, ушлаб қолинади.

Шундай қилиб, термо-кимёвий сувсизлантиришдан сўнг хлорли тузларнинг хақиқий кўрсаткичларининг бир хил қийматлар учун ҳисоблаб чиқилган қолдиқ қатлам суви бўйича кутилган кўрсаткичлардан оғиш сабаби исботланди. Оғиш сўзсиз нефтда туз кристалларининг ҳосил бўлиши билан асосланади.



**2-расм. Термо-кимёвий сувсизлантиришдан кейинги нефтдаги хлорли тузлар миқдорлари**

Илиб қолинган нефтнинг пайдо бўлиши ва тўпланиши, туб чўкинди қатламлари ҳамда нефть лойқасининг тўпланиши билан боғлиқ экологик муаммолар ўрганиб чиқилди. Ишлаб чиқаришдаги технологияларнинг такомиллашмаганлиги сабабли йўқотилаётган углеводородлар ҳажми массасига кўра 1,25% ни ташкил қилади. Иккиламчи углеводород ресурсларини энергия ресурсларининг иқтисодий муомаласига киритилиши ва углеводород йўқотилишининг олди олиниши мазкур муаммони хал қилинишига инвестицияларни жалб қилиниши учун янги импульс беради.

Диссертациянинг учинчи «**Меъёрий-техник ва методик ҳужжатларни такомиллаштириш**» деб номланган бобида амалдаги меъёрий-техник ва методик ҳужжатларни фаоллаштириш ҳамда нефтни ажратиб олиш ва қатлам сувлари, йўлдош газни утилизациялаш жараёнларига замонавий стандартларнинг киритилиши, янгиларини ишлаб чиқиш масаласига

бағишланади.

Сув-нефть аралашмаларининг физикавий-кимёвий таркиблари билан боғлиқ ҳолда эмульсияларнинг парчаланиши бўйича конларни таснифлаш тизими ишлаб чиқилди. Таснифлаш нефтни тайёрлашни, айниқса қийин қазиб олинувчи захиралари мавжуд конлардаги нефтни ишлаб чиқаришнинг техник тизимларини яратиш бўйича лойиҳа ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга имкон беради.

Ўзлаштирилишда бўлган конларда олинган аниқ маълумотларга кўра, Ўзбекистонда омиллар ва белгилаш мезонларни тизимлаштириш бўйича бир қанча ишлар бажарилган бўлиб, улар асосида конни қийин қазиб олинувчи кон турига киритиш классификатори тузиб чиқилган.

Нефть соҳаси бўйича конлардаги ўзгарувчан эксплуатациялаш шароитларида ишончли ҳамда энергия ресурси тежамкорлиги даражасини таъминлашни тақозо қиладиган технологияларни лойиҳалашни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва тақдим қилинди. Конларни ишлатишнинг ўзгарувчан кон шароитларида мураккаб дисперсияли тизимларнинг пайдо бўлиши сценарийлари таҳлиллари бўйича олинган натижалар тақдим қилинди.

Тадқиқот асосида термо-кимёвий сувсизлантиришдан фойдаланиб нефтни тайёрлаш ускуналарининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича концептуал ечимлар ишлаб чиқилди. Жумладан: газли суюқ оқимларда оқиш ва фазалар айланишини бошқариш; сув-нефть аралашмаларининг реологик хусусиятларини бошқариш; мураккаб-кўп таркибли эмульсияларни алоҳида тўплаш; эркин қатлам сувини олдиндан чиқариб ташлаш ва йўлдош газни ажратиб олиш; эмульсияланган сув томчилари атрофидаги химоя қобикларининг парчаланишини таъминлаш; эмульсияланган сув томчиларини катталаштириш; нефтни чучук сув билан ювиш; тиндириш аппаратларидаги эмульсион қатламларни олиб ташлаш.

Диссертациянинг **«Мураккаб-кўп таркибли эмульсияларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича техник-технологик ечимлар»** номли тўртинчи бобида мураккаб-кўп таркибли эмульсияларни парчалаш ва уларнинг таркибий-механик хоссаларини тартибга солиш муаммосига ечим топишда соҳа технологияларини такомиллаштиришнинг устуворлиги кўриб чиқилади.

Мураккаб-кўп таркибли эмульсияларни табақалаш ва нефтни тайёрлаш қурилмасига етказиб бериш олдиндан уларнинг хоссаларини белгиланган йўналишда бошқариш жараёнларини такомиллаштириш бўйича техник қурилма ҳамда усулларни ишлаб чиқишга оид илмий асосланган техник-технологик ечимлар таклиф қилинди ҳамда қурилмага кириш жойига хом ашёни узатиш схемаси ишлаб чиқилди.

Нефть-газ ишлаб чиқарувчи қудуқларни ўзлаштириш ва уларни капитал таъмирлаш жараёнидаги тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланишга мўлжалланган нефть дебитини ўлчаш кўчма қурилмаси ишлаб чиқилди.

Қурилма қудуқларда нефть ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ қилинди. Қудуқ шароитларида ўтказилган изланишлар қурилманинг нефтни тайёрлашнинг стационар тизимларига татбиқ қилиниши автоматлаштирилган ўлчаш қурилмаларини сотиб олиш ва ишлатиш учун қилинадиган сарф-харажатларни қисқартиради.

Нефтни мажбурий қазиб олиш бўйича олиб борилган ўрганишлар натижалари бўйича сувни олдиндан чиқариб ташлаш ва газни ажратиб олиш қурилмаси ишлаб чиқилди. Маҳсулотининг умумий сув таркиби 80% дан юқори бўлган қудуқлар учун ушбу қурилма самарадор бўлиб, ўзлаштиришнинг сўнгги босқичларида ишлатилаётган конлар учун мўлжалланган.

Мураккаб-кўп таркибли дисперсияли оқава сувларни тозалаш ва сув-нефть эмульсиясини ажратиб олиш жараёнларини бирлаштириш йўли билан дастлабки ишлов бериш зарурати исботланди. Бунинг учун фазаларнинг айланиш жараёнлари ва эмульсия стабилизаторларини ювишда бирламчи вертикал пўлат сув сифимидан, сув-нефть эмульсиясининг табақаланишини бошқаришни таъминловчи вертикал пўлат технологик сифимли мажмуадан фойдаланиш таклиф қилинди.

Табий эмульсия стабилизаторларидан ташкил топган сув глобуллари атрофидаги химоя қобиғини бузиш учун гидродинамик аралаштиргич фойдаланиш самарадорлиги деэмульгаторнинг сувли эритмасидан флокулянт қўшимчали иссиқ сув билан ювиш билан бирга ювишни қўллаш самарадорлиги аниқланди.

Қудуқ ичи ва қувур ичи деэмульсацияси учун деэмульгаторни дозалаш методи таклиф қилиниб, бу метод гидравлик қаршиликни камайтиришни таъминлайди.

Нефтни тайёрлаш қурилмаси ишини енгиллаштириш ҳамда нефтни тайёрлашда ишлатишдаги сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида, нефтни тайёрлаш қурилмасига кириш жойида томчи ҳосил қилгич ва олдиндан сувни чиқариб ташлаш ва газни ажратиб олиш қурилмасини монтажлаш таклиф қилинди.

Қудуқдаги ва йиғиш тизимидаги асфальтен-қатрон-парафинли ажралмалар билан курашиш учун, МЛ-80 ювиш воситалари ва эритгичларидан фойдаланиб гидравлик қаршиликни камайтириш методининг самарадорлиги аниқланди.

Илинган нефть ва кўп таркибли эмульсияга ишлов бериш бўйича қўшма қурилма ишлаб чиқилди. Унда мураккаб дисперсия таркибли сув-нефть эмульсиясини учта технологик босқичда қўшимча тозалашга мўлжалланган техник-технологик ечимлар жамланган (3-расм).

Нефть хом ашёсини қурилмага узатиш пайтида сув-нефтли эмульсияни табақалаштириш режиминингузилиши хавфини қисқартириш учун нефтни тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди.


Технология эмульсияни нефть ва сувга табақаланиш жараёнини

бошқарган ҳолда нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантиришни кўзда тутди.

Ишлаб чиқилган техник-технологик ечимлар узоқ муддат ишлатиладиган конларни модернизациялаш учун лойиҳа ишларини ташкил қилинишига асос ҳисобланади.


«Метатехнология» принципи асосида конларни эксплуатациялашнинг турли босиқларида нефтни тозалашнинг нефть-сув таркибли эмульсияларнинг ажралиши самарадорлигини таъминловчи комплекс тизим ишлаб чиқилди ва бу билан кенг кўламли таркибдаги углеводородли ҳамда ноуглеводородли муҳитларнинг табақаланиши жараёнини бошқариш имконияти назарда тутилади (4-расм).

Ушбу технологик схема бўйича нефтни тайёрлаш жараёнлари термо-кимёвий ишлов бериш (1-оқим) ва мураккаб эмульсияга қўшимча ишлов бериш билан термо-кимёвий ишлов (2-оқим) бериш, илинган ва мураккаб-кўп таркибли эмульсияни қўшимча тозалаш бўйича схема ечимлари асосномасида баён этилган технологик ечимларга мос келади.



